*Бекобод шаҳрининг 50 йиллиги олдидан*

# СЕРҒАЙРАТ ЖАМОАЛАР

ҚУРИЛИШ соҳасида рўй бераётган турли қийинчиликларга қарамасдан Шаҳарсозлар бошқармаси жамоаси барча имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Қурувчилар шаҳримизда барпо қилинаётган уй-жой, маданий-маиший биноларни таъмирлаш жараёнларида ҳам фаол қатнашмоқдалар.

Бошқарманинг қўли гул бунёдкорлари дурадгорлик, оқлаш ва бўёқлаш ишларида сезиларли натижаларни қўлга киритмоқдалар. Айни шу кунларда бошқарманинг Лариса Бобоева бошчилик қилаётган бўёқчилар жамоаси ҳокимият биносида меҳнат қилдилар. Серғайрат бўёқчилар бинонинг иккинчи ва учинчи қаватларида жойлашган хоналарни ҳамда йўлакларни сифатли қилиб оқладилар, тегишли жойларни бўёқдан чиқардилар. Жамоанинг Р.Маъмурова, И.Стюгова, Р.Бобоева, Н.Гриценко сингари бўёқчилари ўзларига топширилган ишларни пешма-пеш ортиғи билан адо этмоқдалар. Бинонинг фойеси тўла-тўкис оқланиб бўёқ қилинди. Эндиги вазифа, мавжуд хоналар вақтинча бўшатилгач, таъмирлаш ишларини ниҳоясига етказишдир.

Хотин-қизлардан ташкил топган бу жамоа республикамиз мустақиллигининг тўрт йиллиги байрамигача бинонинг ташқи кўринишлари таъмирланишини ҳам адо этишга ният қилган.

— Жамоамиз амалга ошираётган оқлаш, бўёқлаш ишлари, — дейди бригада бошлиғи Л.Бобоева, — бизнинг мустақиллик байрамига совғамиз бўлади. Шунинг учун ҳам 1 сентябрга қадар ҳамма имкониятларни ишга солмоқдамиз.

Худди шунингдек, Николай Петухов бошқараётган дурадгорлар ҳам мақтовга сазовар ишларни уддаламоқдалар. Дурадгорлар қаватлардаги хоналар эшиклари ҳамда ромларни тузатиш ёки янгисига алмаштириш, деразаларга ойналар ўрнатишда яхши натижаларни қўлга киритдилар. Бундан ташқари, кириш йўлакчасини бетонлаштириш ишларини ҳам бажаришга киришдилар.

Дурадгорлар жамоаси ҳам яқинлашиб келаётган улуғ айёмни муносиб кутиб олиш иштиёқида меҳнат қилмоқда.

**А.АШУРОВ.**





**● БЕКОБОД шаҳрининг 50 йиллигига тайёргарлик ишлари қизғин бормоқда. Шаҳардаги барча саноат корхоналари жамоалари бу қутлуғ кунни муносиб нишонлаш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Суратларда: цемент комбинатининг айланувчи печлари бир зум ҳам тўхтамаяпти; шаҳар босмахонасининг устаси Р.Ибрагимов унумли ва сифатли ишлашда касбдошларига намуна бўлмоқда.**

**М.ҚОРАБОЕВ олган суратлар.**

## ХАЙРЛИ ИШЛАР

ОХУНБОБОЕВ маҳалла қўмитаси халқ турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида қатор ишларни амалга оширмоқда. Яқин вақт ичида бу ерда маҳалла масжиди биноси таъмирланди, кенгайтирилди. Отахонлар, номозхон маҳалладошлар учун пешайвон қуриб берилди. Айни кунларда ҳам кенг қамровли ишлар режа асосида олиб борилмоқда. Жумладан, савдо дўконини таъмирлаш, маҳалла чойхонасини кенгайтириш ишларига тайёргарлик кўрилмоқда. Шунингдек Тинчлик ва Беруний кўчаларида хонадонларни ичимлик суви билан таъминлаш, йўлларга асфальт ётқизиш ишлари амалга оширилди. Бу ишларда яқиндан ёрдам кўрсатаётган «Ўзметкомбинат» ҳиссадорлик жамияти маъмуриятидан маҳалла аҳли миннатдор. Амалдаги тадбирлар мустақилликнинг тўрт йиллиги, Бекободнинг 50 йиллиги тўйи арафасида охирига етказилади. Маҳалла ёшлари ҳам катта тўйларга қизғин ҳозирлик кўрмоқдалар.

**У.РАҲИМОВ.**

# ТАДБИРКОРЛАРГА КЎМАКДОШМИЗ

МУЛКНИ давлат тасарруфидан чиқариш, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиш ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш республикамизда бошланган ислоҳотларнинг асосий ўзагига айланди. Бу молия ва банк тизимида ҳам ўзига хос талабларни кун тартибига қўйди. Янгиликларга бел боғлаган кишилар оёққа туриб олишлари учун моддий мадад зарур. Шунга жавобан, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашни кўзда тутган бизнинг банкимиз ҳам 1993 йил 1 июлдан фаолият кўрсата бошлади. Биз кичик корхоналар, фермерлар, тижоратчилар, хусусий фирмалар, хусусийлаштирилган корхоналар, ҳиссадорлик жамиятлари ҳамда тадбиркорлик билан шуғулланадиган бошқа ташкилотларга хизмат кўрсатамиз. Дастлабки пайтларда туманда бизга 27 ташкилот ўзининг вақтинчалик ҳоли маблағи билан аъзо бўлган эди. Ҳозир эса 300 га яқин мижозимиз банкимизда ўзининг мустақил ҳисоб рақамига эга.

*Банк ва мижоз*

Ҳозирги пайтда туманимизда 174 нафар фермер хўжалиги, 81 та кичик ва қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ҳаммаси банкимиздан имкон қадар фойдаланган ташкилотлар ва шахслардир. Тадбиркорлик ҳаракати туфайли туманда 604 та янги иш жойлари очилди. Кўплаб фермерлар қаддиларини ростлаб олдилар. Хусусан, «Юқоричирчиқ» жамоа хўжалигидан Жўрабек Алимбоев, Усмон Юсупов номли жамоа хўжалигидан Усмон Фозилбеков ва яна бир қатор фермерлар иши айниқса ривожланди. Улар 1993-1994 йилларда банкимиздан имтиёзли қарз олиб, деҳқончилик, чорвачиликни йўлга қўйган эдилар. Энди туманда уларни баракали даромад топаётган фермерлар дейишади. Шунингдек, «Виктория», «Бахт», «ЛТД» кичик корхоналари ҳам ўзларининг ойдин йўлларини топиб олишди.

Шуни айтиш керакки, кўпинча банкка мурожаат қилувчилар шартимизни етарли тушунмайдилар. Шу боис бу ҳақда икки оғиз тўхталиб ўтмоқчиман. Банкка мурожаат қилувчилар билан муносабатда муассасамизнинг ўзига хос молиявий ёндашувлари низомимизда ишлаб чиқилган тартиб-қоидалар мавжуд. Масалан, қарз сўровчининг оиладаги иқтисодий аҳволи қарзни тўлаш қобилияти, шартнома асосида белгиланган фоизни ўз вақтида қайтариш имконияти, гаровга қўядиган мулки борми, йўқлиги ҳисобга олинади. Бу шартларга қудрати етган одамга қарз берилади. Шартнома тузилаётган пайтдаги фоизга келсак, унда мурожаат қилувчининг кимлиги, деҳқонми ёки тижоратчими ҳисобга олинади. Зероки жамғармамизнинг шу хилда йўл тутиши мижозлар сонининг ортиб боришини таъминламоқда.

Фаолиятимиздаги иккинчи бир муаммо тўлдириладиган ҳужжатларнинг ҳаддан ташқари кўплигидир. Бу борада мурожаат этувчилар анчагина мушкул аҳволга тушиб қолмоқдалар. Эндиликда биз уларнинг қўлларини тутмасликка ҳаракат қилаяпмиз. Ходимларимиз зарур ҳужжатларни тўлдиришга ёрдам берадилар. Шу билан биргаликда бундан буён ана шу қоғозларни ихчамлаштириш устида иш олиб бормоқдамиз.

Албатта банк хизмати фақат жамғарилган маблағдан қарз беришдан иборатгина эмас, шунинг учун биз хизмат турларини кўпайтирамиз. Фуқароларнинг пул маблағларини депозит (фоизли ўсиш) жамғармасига жалб этиш ҳажмини кенгайтиряпмиз.

Мурожаат қилувчилар билан самимий муносабатда бўлиш, уларнинг корига яраш, ўз вақтида хизмат кўрсатиш, сарсон бўлиб қолишларига йўл қўймаслик бизнинг бош вазифамиздир.

**А. ТОШЕВ,**
**Юқоричирчиқ тумани «Тадбиркор» банки бошқарувчиси.**

## *Иқтисодий луғат*

**БАНКРОТЛИК** (италянча айнан синган курси), синиш — фуқаро, корхона, фирма ёки банкнинг маблағ етишмаслигидан ўз мажбуриятлари бўйича қарзларни тўлашга қурби етмаслиги. Банкротликка учрашликнинг сабаблари товар ишлаб чиқаришда қиймат қонунининг амал қилиши, рақобат ва инфляция билан белгиланади. Корхонанинг банкрот деб эълон қилиниши унга нисбатан қатор санирлаш тадбирларини амалга оширишни, унга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишни кўзда тутади. Бозор шароитида давлат томонидан банкрот корхоналар ўз аҳволларини яхшилаб олишлари учун кўмак тарзида бир қатор тадбирлар кўрилади. Банкрот деб эълон қилинган корхоналар асосан шу корхона жамоа аъзоларига ижарага берилиши ёки бошқа корхоналарга сотилиши, улар билан бирлашиб кетиши мумкин.

**ДЕПОЗИТЛАР** (лот. — омонат, асраб қўйилган) — 1) банк ва омонат кассаларга қўйилган омонатлар; 2) мижозларнинг банкка муайян талабларини тасдиқловчи, банк дафтаридаги ёзувлар; 3) кредит муассасаларига сақлаш учун топширилган қимматбаҳо қоғозлар (акция ва облигациялар); 4) божхона муассасаларига бож ва божхона йиғимлари тарзидаги тўловлар учун олдиндан берилган бадаллар; 5) суд ва маъмурий муассасаларга даъвони ва судга келишини таъминлаш мақсадида ўтказиладиган пул бадаллари.

**БАНК ПРОЦЕНТ СТАВКАСИ** — банк ссудасидан фойдаланганлик учун белгиланган ҳақ миқдори; қарз суммасига нисбатан процент ҳисобида ундирилади. Банк процент ставкаси қарзнинг қай тарзда ва қандай берилишига ҳам боғлиқ. Агар қарз халқаро валютада ёки халқаро облигацияда берилса, банк процент ставкаси юқори, агар миллий валютада берилса, паст бўлади. Узоқ муддатли қарзнинг банк проценти ставкаси юқори, қисқа муддатлисиники паст бўлади. Қарз ёрдам тарзида берилганда ҳам банк процент ставкаси имтиёзли бўлади. Қарз олиб иқтисодий ёки ижтимоий вазифани ечиш мўлжалланса, банк процент ставкаси паст белгиланади. Агар корхона ва ташкилотларни ўз қўлидаги маблағни яхши ишлатишга ундаш зарур бўлса, банк процент ставкаси оширилади. Банк процент ставкаси паст бўлса корхоналарда хотиржамлик ва боқимандалик кайфиятини туғдиради. Банк процент ставкасининг энг кам ва энг кўп даражаси бор. Энг кам даражадаги банк процент ставкаси банкнинг харажатларини қоплаб, зарар кўрмаслигини таъминлаши керак. Энг кўпи эса банкка эл қатори фойда кўришни таъминлаши лозим. Банк омонат (депозит)лар учун тўлайдиган процент ставкалари ссудадан фойдаланганлик учун белгиланган процент ставкаларидан паст бўлади, бу эса банкларнинг фойда олиб ишлашини таъминлайди.

**БАРТЕР**, бартер келишуви (инглизча товар айирбошлаш) — пулсиз бевосита товар айирбошлаш. Кўпроқ ривожланмаган товар муносабатлари даври учун хос бўлган келишув. Ҳозирги замон бартер келишувининг аниқ шакллари — валютасиз айирбошлаш, компенсацияли келишувлар, турли хил клиринглар. Бартер ҳозирги шароитда аҳолини истеъмол моллари билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

# ЁРУҒ ИЗЛАР ҚОЛСА ОРТИНГДА...

**ДОНИШМАНДЛАРИМИЗ айтиб қолдирган азалий бир гап бор: «Умр инсонга бир маротаба берилади. Уни фақат эзгу ишларга сарфламоқ керак!». Шу ёшимгача ана шу содда фалсафага сиғиниб яшадим. Кам бўлмадим. Ўқидим. Изландим. Игна билан қудуқ қазидим. Илмнинг юксак довонлари ортда қолди. Энг муҳими, одамлар орасида иззату-қадр топдим. Мен ҳаётимда нимагаки эришган бўлсам, буларнинг ҳаммасида, аввало, ота-онам, кейин эса оиламизнинг ифтихори, зукко ва маърифатпарвар бўлган марҳум тоғам — Воҳид Абдуллонинг даъвати, хизматлари беқиёсдир...**

**Назира АБДУАЗИЗОВАнинг хотираларидан.**

Ҳамма-ҳаммаси Назиранинг худди кечагидай ёдида. Катта-ҳовуздаги боғ ҳовлилари ёзда чаманзорга айланиб кетарди. Қаёққа қаранг, турли-туман анвойи гуллар... Кечқурунлари ҳаммаёққа сув сепилиб, катта супага жой қилинар, бутун оила шу ерда жамулжам бўларди. Вазмину-донишманд киши бўлган раҳматли отаси Абдумажид ака, куйди-пишди онаси Ҳикоят ая, ака-ука, опа-сингиллар. Шундай кунларнинг бирида ичкари уйдаги телефон тинимсиз жиринглаб қолади. Отаси шошиб ўрнидан туради, аллаким билан узоқ гаплашади. Сўнг қайтиб келиб, ўрнига ўтиради. Ҳамма нима гаплигини билгиси келиб бесабрланади. Ота буни сезиб, ҳаммага бирма-бир қараб чиқади, сўнг баланд овозда дейди: «Эртага Воҳиджон келаётганмиш!».

Болалар қийқириб юборишади: «Ура!» Ахир тоғалари, уларнинг жондан азиз тоғалари Самарқанддан келаётганмиш! Қандай яхши! Тоғаси келса, бу ҳовлида ҳар куни байрам бўлади. Ҳар куни шеърхонлик, базм... Жуда дилкаш инсон эди тоғаси. У, ҳатто, болалар билан ҳам худди катталардек муомала қилар, келажак орзулари билан қизиқарди. Шу хонадонда ўсиб-улғайган тўрт ўғил, тўрт қизнинг ҳаётдан ўз ўринларини топиб кетишида ана шу тоғанинг таъсири катта бўлди. Акалари билан жуда-жуда фахрланади, Назира. Ҳаммалари илмли, одамохун, эл хизматида.

Бир қарашда унинг таржимаи ҳоли жуда оддийдек. Мактабни аълога битирди. Дорилфунунга

## *Илм-фан фидойилари*

кирди. Ҳар жиҳатдан тенгдошларига ўрнак бўлди. Сўнг уни ректор тавсиясига кўра Москвага ўқишга юборишди. Муҳташам даргоҳда уч йил ўқиб изланди, китоб титди. «Журналистика тарихи» бўйича илмий ишни ниҳоялаб қайтди. 24 ёшида фан номзоди бўлди. Эҳ-ҳа, қанча йиллар ўтиб кетди. Оқар сувлар оқиб кетди. Шу орада турмушга чиқди. Ҳавас қилгудек оилага бека бўлди. Ҳаёт йўлдоши Баҳодир Аҳмедов — кинорежиссёр. Сиз яқин орада дарғаларимиз — Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ойбек, Шайхзода ҳақидаги фильмларни кўргандирсиз. Шуларнинг муаллифи Баҳодир ака. Эр-хотин илму-ижодда баравар қадам ташлашди. Ўрни келганда бир-бирига ақл-идрок бўлиб, бир-бирини тўлдиришди. Икки фарзанд ана шундай меҳнат шууври қайнаган хонадонда ўсиб улғайди. Нилуфар — дорилфунунда, ҳазрат Навоий номидаги стипендияни олиб ўқиди, бўлажак аспирант. Беҳзод эса икки йил Америкада ўқиб қайтди. Бўлғуси дипломат. Иккови ҳам ўз она тилларидан ташқари рус, инглиз ва француз тилларида бемалол гаплаша олишади.

Мана, 25 йилдирки, Назира опа дорилфунунда талабаларга «Матбуот тарихи»дан сабоқ беради. Очиғи, шу қутлуғ даргоҳнинг ҳамма қувончу-ташвишларига шерик. Ҳамкасблари ундаги жонкуярлик, меҳрибонлик фазилатларини ардоқлашса, талабалар талабчан устозлари сифатида қадрлашади. Назира опа учун ҳаётдаги ҳар бир нарса табиий, яъни ўз ўрнида бўлиши керак. Ишладим, чарчадим, деб ўтирмайди у. Ҳаммасига улгуриши керак, тамом! Келинлик пайтлариданоқ шунга ўрганган. У яқингача ўзини «икки қайноналик келинман» дерди. Йигирма уч йил икки қайнонага ардоқли келин бўлди. Қайнона бувиси — Файзихон ая Абдастўраева кўпни кўрган донишманд аёл эди. Узоқ йиллар артелларга раислик қилган, одамлар кўнглидан чуқур жой олган бу табаррук ая 105 ёшга кириб оламдан ўтдилар. «Шу қайнона бувимлар умрлари охирида жуссалари кичрайиб, худди боладек бўлиб қолгандилар, — дея эслайди Назира опа. — Ишдан келибоқ ёнларига кириб аҳволлашардим. Ҳар куни ётоқ жойларини саришталардим, ўзларини ювинтириб, оппоқ сочиқларга ўраб қўярдим». Шунда улар қувониб: «Менинг сенга берадиган туҳфаларим йўқ, болам. Фақат узун-узун дуоларим бор...» дердилар. «Шу табаррук аямни негадир жуда-жуда кўп эслайман. Қайнонам Моҳинур Эшонова эса — жарроҳ. Жуда жонкуяр, доно аёл».

Йиллар ўтгани сайин қадрдонлик иплари мустаҳкамланиб, кўнгиллар яқинлашиб бораверкан. Ака-опалар, сингилу келинлар турли идораларда хизмат қилишади. Лекин иш ўз йўлига. Меҳр-оқибатга путур етмасин. Улар бир-бирини тез-тез йўқлашади, дийдорлашади. Яшаш шу-да, ахир. Жону-жигарлар билан яхши-ёмон кунда бирга бўлмоққа не етсин. Ҳаётнинг азалий қонунияти бу.

Назира опа билан суҳбатлашиб ўтирибману, ҳаёлга бериламан. Агар инсон ўз касбини қаттиқ севса, бутун жисмида ана шу севги барқ уриб туракан. Ҳамсуҳбатимнинг нигоҳларида ҳам ана шундай кучли муҳаббатни илғайман. Унинг ўзбек матбуоти соҳасидаги изланишлари, китоб титиб, тунни тонгга улаганлари, баъзилар икки-уч йилдаёқ нари-бери қилиб қўяқоладиган докторлик ишига ҳам ниҳоятда катта масъулият билан ёндошиши, салкам йигирма беш йилдирки, шу иш устида ишлаётгани... Буларнинг ҳаммасида сабот ва чидам, касб масъулияти, касб муҳаббати бор!

— Ўзбек журналистикаси жуда-жуда бой, — дейди Назира опа. — У худди очилмаган қўриққа ўхшайди. Уни очиш, қайта кашф этиш бўлажак журналистлар қўлида. Мен буни талабаларга кўп таъкидлайман. Журналистикамизда ечимини кутаётган муаммолар кўп. Бизга иқтидорли, баланд савияли журналист кадрлар зарур. Улар хорижий тилларни, компьютер техникасини бекаму-кўст эгаллашлари лозим. Айниқса, кекса матбуотчилар ҳаётини ўрганишимиз, уларнинг тажриба мактабидан сабоқ ола билишимиз лозим.

Назира опа фарзандларига доимо эл хизматида бўлинглар, дейди. Ўзи ҳам умр бўйи шунинг ҳаракатини қилди. Шунга эришди. Муҳими ҳам шу-да. Сен юрган йўлларда қачонлардир фарзандларинг юришади. Шунда сенинг изингдаги нур фарзандларинг умрини, келажагини ҳам ёритсин. Улар шу нурдан куч-қувват олиб улғайсин, илм чўққиларини забт этишсин. Умрнинг мазмуни, моҳияти ана шунда.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.**

# МАЪРИФАТЧИЛАР СИРДАРЁДА УЧРАШДИЛАР

РЕСПУБЛИКА «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг Сирдарё ва Тошкент вилояти бўлимлари ўзаро яқин ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқдалар. Ҳар икки вилоятда ҳам мустақиллигимизнинг маънавий заминларини мустаҳкамлаш, миллий-маданий меросни ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш борасида талайгина ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Сирдарё вилоятида муайян мавзулар бўйича социологик тадқиқотлар ўтказилмоқда. Вилоят ҳудудида тўй ва маъракаларни замонавийлаштириш, кам харажат билан ўтказиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилди.

Марказнинг Тошкент вилояти бўлимида ҳам ўзига хос тажриба бор. Маърифий жумаликлар ўтказиш, бозор иқтисодиёти шароити талабларини эътиборга олиб, ёшларга касб-ҳунар ўргатиш ва уларнинг малакасини ошириш ана шулар жумласидандир.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўрт йиллиги ҳамда республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ташкил топганлигининг бир йиллиги муносабати билан ҳар икки вилоятнинг шаҳар ва туманларида иш олиб бораётган ташкилотчилар Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманида тўпландилар. Йиғилганлар марказнинг туман бўлими фаолияти билан танишишди. Ўзаро тажриба алмашувига бағишланган йиғилишни марказнинг Сирдарё вилояти бўлими раҳбари В. Турдиев очди ва вилоятда тўпланган тажрибалар ҳақида йиғилганларга сўзлаб берди. Мустақил Ўзбекистон ҳаётида маънавият ва маърифат жамоатчилик марказининг тутган ўрни ҳақида республика маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари Хуршид Даврон маъруза қилди.

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг Тошкент вилояти бўлими раҳбари Р. Шералиев, Сирдарё вилояти бўлими хўжалик ҳисобидаги гуруҳ раҳбари Н. Айтқулов, Паркент тумани масъул ташкилотчиси Р. Йўлдошев ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Йиғилиш чоғида билдирилган таклиф ва мулоҳазалар умумлаштирилди. Уларни рўёбга чиқариш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тошкент вилояти вакиллари қўшни вилоятдан катта таассурот билан қайтдилар. Улар бундай тадбирларни яна давом эттириш, бошқа вилоятдаги ҳамкасблари билан яқин ижодий ҳамкорлик ўрнатишга келишиб олдилар.

**Т. ЎЗГЕНОВ.**

# ҚАЧОН БИР ХИЛЛИККА ЭРИШИЛАДИ?

*Шахсий мулоҳаза*

ҲАР БИР халқнинг миллий маросимлари ва урф-одатлари ўша халқ тарихининг кўзгусидир. Отабоболаримиздан қолган бир гап бор: «Ҳар қандай халқнинг урф-одатларини билай десанг, аввало, унинг тилини билишга урин». Дарҳақиқат, бу ҳақ гап. Чунки, инсон тафаккури ва тажрибасининг боқий хазиналари минг йиллар оша тилда жамланади ва у абадул-абад яшайди. Тил билан урф-одатлар ҳамиша бир-бирига суяниб яшайди. Шундай экан, ҳар бир халқ, ҳар бир миллат, энг аввало, ўз она тилининг ҳар томонлама пухта ва мукаммал бўлиши учун курашиши керак.

Асрлар давомида таркиб топган ўзбек тилини тиклаш, тараққий эттириш ва такомиллаштириш учун бутун чораларни кўрмоқ, она тилимизда илмий-техникавий, ижтимоий-сиёсий атамалар яратишни қатъий йўлга қўймоқ зарур. Тўғри, бу борада жуда кенг кўламда ишлар олиб борилмоқда. Лекин, барибир дарслик ва қўлланмаларимизда хилма-хилликлар мавжуд. Уларнинг кўпчилигида ўқувчиларнинг тушунишлари қийин бўлган атама ва жумлалар жуда кўплаб топилади.

Энди амалдаги имломиз тўғрисида айрим мулоҳазаларимизни азиз ва қимматли муштарийлар билан ўртоқлашмоқчимиз. Гапни бошлашдан олдин ҳурматли устозимиз, филология фанлари доктори, профессор Миразиз ака Миртожиевнинг бир гапларини эсламоқчиман. Чунки, у киши ўзбек тилининг имлоси ҳақида жуда кўп қайғурадиган, жон куйдирадиган фидойи олимлардан. Бир суҳбатда Миразиз ака шундай деган эдилар.

— Ҳозир атамаларни, имломизни ўзгартириш ҳақида кўп гап бўляпти. Ишонч билан айтиш мумкинки, ундан кейин ҳам у кўнгилдагидек бўлмайди. Чунки, атамани, имлони русчадан ўзлашган сўзларга мосласак, ўзбек тилининг ўз сўзларига мосласак, русчадан ўзлашган сўзларга мос келмайди. Атамаларимиз, имломиз калта кўрпага ўхшаб қолган: бошга тортсак, оёқ, оёққа тортсак бош, очилаверади. Биз четдан сўз ўзлаштиришни сунъийлаштириб қўйганмиз. У объектив қонуният асосида, ўзлаштирилаётган сўзларни ўз қонуниятларига бўйсундириб, қолипга тушириб олиш керак эди: худди руслар ўзбекча сўзларни ўзларига мослаб олганларидай: ўрик-урюк, қишлоқ-кишлак, бозор-базар сингари.

Ҳақиқатан ҳам домланинг куйинганларича бор. Чунки, давлатимиз истиқлолга эришган бир пайтда она тилимиз ҳам эркин нафас ола бошлади. Мукаммал она тилисиз маънавият, собит дунёқараш ва бой маънавият, мураккаб олам сирларини теран англаш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Давлат ва тил тушунчалари узвий муштаракликни касб этади. Шунинг учун ҳам ҳар бир мустақил, эркин давлатда ерли халқнинг тили давлат тили ҳисобланади.

Она тилимизга давлат тили мақоми берилганига мана беш йил бўляпти. Лекин, шунга қарамай ўзбек тилидаги дарслик ва қўлланмаларда ҳамон айрим камчилик ва нуқсонлар тузатилганича йўқ. Аввало, ўзбек халқи қабул қилган «кирилица»га эътибор берайлик. Унда ўзбек тили учун мутлақо қиммати бўлмаган, Е, Ё, Ю, Я графемалари, Ъ, Ь белгилари, Ц ҳарфи бор. Ўзбек тили учун зарур бўлган Ж қоришиғи, тил орқа НГ, чуқур тил орқа НЬ бурун сананитлари каби фонемаларни акс эттирувчи ҳарфлар алифбомизда йўқ. Нозарурлари рус тилидан кириб келган сўзлар учун олиниб, зарурлари рус тилидан олинган сўзларда қўлланилганлиги учун эътиборсиз қолдириб кетилаверилган: натижада, ҳозирги кўпгина ёшлар «кўнгил», «тонг», «чанги» «жим» каби сўзларни ўқишда аросатда қоладилар. Кўринадики, «Кирилица»га асосланган имломиз ўзбек талаффуз меёрининг бузилишига ҳам сабаб бўлмоқда. Ҳатто, шу даражага бориб етилдики, рус гуруҳларида таълим олаётган талабалар у ёқда турсин, ўзбек гуруҳларида ўқиётган талабаларимиз ҳам ўз она тилининг алифбосида нечта ҳарф, нечта товуш борлигини аниқ айтиб бера олмайди. Бунга асосий сабаб, аввалам бор, имломиз билан талаффузимиз ўртасидаги фарқ катталиги бўлса (бу ўзбек адабий тили билан сўзлашув тили ўртасидаги фарқни узоқлашувига олиб келди), иккинчидан қўлланма ва дарсликларимиздаги ҳар хилликлардир. Биргина мисол: ўзбек (давлат) тили алифбосидаги ҳарфлар сони дарсликларда ҳар хил берилган:

1. «Ҳозирги ўзбек адабий тилида 31 та фонема бор» — М. Асқарова, К. Қосимова, Ҳ. Жамолхонов, «Ўзбек тили», Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 1989 йил, 37-бет.
2. «Ўзбек тилида 33 та ҳарф, 2 та белги бор» — Х. Абдураҳмонов, А. Рафиев, Д. Шодмонқулова, «Ўзбек тилининг амалий грамматикаси», Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 1992 йил 7-бет.
3. «Ўзбек тилида 31 та товуш бор» — М. Асқарова, К. Қосимова, Ҳ. Жамолхонов, «Ўзбек тили», «Ўқитувчи» нашриёти, 1976 йил, 17-бет.
4. «Ўзбек тилида 29 та товуш (6 та унли, 23 та ундош) бор» — Х. Абдураҳмонов, Э. Шодмонов. «Ўзбек тили», Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 1982 йил, 3-бет.
5. «В действующем узбекском алфавите 35 букв» — М. Усмонова, Э. Азларов, Ғ. Шарипов, «Ўзбек тили», Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 1991 йил, 3-бет ва бошқалар.

Буни яна давом эттириш мумкин. Юқоридагилардан кўринадики, дарслик ва қўлланмаларимизда ҳам камчиликлар ва нуқсонлар учраб турибди. Бир қарашда бу каби камчилик арзимаган нарсадек туюлса-да, ҳар ҳолда жиддий ўйлаб кўрилиши керак бўлган муҳим ҳодисадир. Ахир, ҳозир ҳамма китобга ишонадиган бўлиб кетган. Китобдаги хато ва камчиликларга йўл қўйилса, унда нима бўлади? Наҳотки, ҳурматли олимларимиз, тақризчилар, қолаверса, нашриёт ходимлари шундай эътиборсиз бўлсалар? Ўқитувчи бошқача тушунтирса-ю, китобда бошқача бўлса? Ўқувчи ва талабаларда ишончсизлик ортмайдими?!

Юқоридаги каби чалкашликлар давлат тили бўлган ўзбек тилининг бошқа соҳаларида ҳам кўплаб топилади. Бу эса ҳақли равишда турли эътирозларга сабаб бўляпти. Шуларни ҳисобга олиб, чиқарилаётган дарслик ва қўлланмаларда бир хилликка эришилса, айни муддао бўлур эди. Яна бир гап. Фақат ҳарфларнинг миқдоригина эмас, уларнинг атамасида ҳам хилма хилликлар мавжуд: бирида ФОНЕМА, бошқасида ҲАРФ, яна бирида ТОВУШ ёки БЕЛГИ. Бундай ҳолатларни кўрган ўқувчи ёки талабалар олимларимиз устидан кулишмайдими? Она тилимизнинг софлиги учун курашар эканмиз, аввало, тилимиз юқоридагидек чалкашлик ва нуқсонлардан ҳоли бўлиши керак.

Давлат тилини равнақ топтириш учун, энг аввало, унинг ҳар томонлама мукаммал, пухта бўлишига эришмоғимиз лозим.

**Ҳусанбой ТОЖИМАТОВ,**
**Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети «Ўзбек тили» кафедрасининг ўқитувчиси.**

*Акс садо*

# БОЙЛИК МИСҚОЛЛАРДАН ЙИҒИЛАДИ

Республикамиз Президенти бутун кучини, вақтини, фаолиятини халқнинг турмуш фаровонлигини оширишга қаратмоқда. Иншооллоҳ, иқтисодий-ислоҳотлар амалга ошиб, ўз самарасини бера бошлагач ҳозирги кунлар ортда қолиб кетишига аминмиз.

Мен нима демоқчиман?

Гуруч курмаксиз бўлмаганидай, баъзи оқибатини ўйламай иш қиладиган кишиларнинг нотўғри ҳатти-ҳаракатлари кўпчиликнинг ғашига тегиб, ҳатто, норози қилаётгани ҳам рост. Р. Исмоиловнинг «Нима, чақа пул эмасми?» сарлавҳали мақоласида танга-чақаларни пул ўрнида кўрмай, уни олишдан бош тортган чипта берадиган кассир аёлнинг қилмиши бунга яққол мисол бўла олади. Очиғини айтганда, ҳозир фақат чипта кассаларидагина эмас, дўкон ва бозорларда ҳам шундай воқеаларни кўриш мумкин. Пештахталар ортида туриб, молини сотаётган савдогарлар энди фақат тангаларгина эмас, бир сўмликларни бермоқчи бўлсангиз, бошларини сарак-сарак қилиб рад этадилар. «Ака, шу бир сўмликлар ўзингизга сийлов, бизга йиригидан беринг,» деб кўзларини лўқ қилиб тураверадилар. Менимча уларнинг бу қилмишлари тўқликка шўхликдан бошқа нарса эмас. Бел оғритмай осон йўл билан пул топган, уни пўчоқ ўрнида кўрмаётган одамгина пулнинг қадрига етмайди. Бир қошиқ заҳар бир хум асални бузганидай мана шундай манмансираган кимсаларнинг касри эса кўпчиликка тегаяпти. Ана шу нарса ташвишлантиради кишини.

Ноннинг увоғи ҳам нон бўлганидек, танга-чақалар ҳам пул, бойлик мисқоллардан йиғилади, сўмлар эса тангадан. Пулни хор қилиш эса нонтепкилик билан баробардир. Шундай экан, «майда пул олмайман» деб оёқ тираб туриб олаётган кишилар катта хатога йўл қўяётганликлари ҳақида ўйлаб кўришса, чакки бўлмасди.

**И. ҚОСИМОВ,**
**Зангиота туманидаги «Туркистон» жамоа хўжалиги.**

*Боғдорчилик ва ислоҳот*

# ҚАЙТА ЖОНЛАНГАН БОҒЛАР



- Агар боғ ҳам ўз эгасини топса...
- Фарзандлар ота касбига меҳр қўйишди
- Олма нега солкаш бўлади?
- Ҳосилдорликни ошириш омиллари

Одатда қурилишларда ой бошида у етмайди, бу етмайди, баҳонаси билан юмуш кам бўлади. Ой охирлагач эса иш тезлашиб кетади. Очилган ҳисоб варақасини ёпиш, ажратилган маблағни ўзлаштириш керак-да! Йўл қурилиши тармоғида ҳам худди шундай аҳвол содир бўлди: ўзи ағдарар машина навбатдаги асфальт битумни олиб келиб ағдарди.

— Бўлдими, — деди йўл устаси Қудратхўжа, у майкачан бўлиб олган, қоматдор, барваста йигит эди. Тракторни дарҳол ўт олдирди-да, асфальтни текислашга чоғланди.

— Яна бир марта олиб келаман, — деди асфальт ташиётган йигит.

— Тезлаштиринг, бўлмаса, — деди Қудратхўжа, — кеч бўлиб қолади.

Иккинчи машина ҳам келди. Шофёр уни ағдараётганда Қудратхўжа яқин ерда турар эди. Шу пайт гуп этиб урилган қайноқ ҳовурдан негадир лоҳас бўлгандек сезди ўзини. У сал нарироқдаги дарахт сояси тагига бориб ўтирди. Шу пайт шудгор томондан унинг олдига хўжалик ҳосилоти Йўлдошбой ота келаётган эди. У яқинлашгач, ўрнидан турди.

— Ҳорма, ука, — деди Йўлдошбой ота Қудратхўжа билан кўришар экан, — нима бўлди, чарчаган кўринасан.

— Йўқ, ўзим, шундай, — деди Қудратхўжа.

Улар бироз уёқдан-буёқдан суҳбатлашдилар.

— Қудратхўжа ука, — деди Йўлдошбой ота, — асли ўзинг деҳқон ўғлисан, отанг ҳам шу колхозда салкам қирқ йил ишлаб кам бўлмади. Менинг гапимни оғир олмагину, қачонгача мойга беланиб юрасан, ҳозир кучқувватга тўлган пайтинг билинмайди, нарироққа бориб бу касб сенга оғирлик қилиб қолади. Шунинг учун далага чиқиб ишла, боғбонлик қил. Сенга ўхшаган йигитлар керак, бизга.

Бу таклифдан Қудратхўжа бироз ҳангу-манг бўлиб қолди.

— Қандай бўларкин, Йўлдош ака, ахир боғбончиликдан сира ҳам хабарим йўқ-ку, бирор кун ҳам далада ишламаганман.

— Бунақа гапни қўй, одам осмондан боғбон бўлиб тушмайди, ишламаган бўлсанг ҳам кўзинг пишган, астойдил ихлос қилсанг бўлгани...

Хуллас, Қудратхўжа кўнди. Уч кун ўтгач, у ҳалқа йўлнинг ўнг томонидаги олма боғига ишга чиқди. Уста миришкор боғбонларга шогирд тушди. Уқувли йигит эмасми, кўп ўтмай боғбонликка ишқи тушиб қолди. Бу касбнинг сир-асрорларини эринмай ўрганди.

Бу воқеа 1970 йилда рўй берган эди. Қолаверса, Йўлдошбой отанинг ўзи унга устозлик қилди. Тез-тез келиб маслаҳатлар бериб турди. Бироқ, шу орада ҳунук гап оралаб қолди. Қудратхўжа эшитдингми, олма боғни бузишармиш, кўпориб ташлашармиш.

Ахир нега энди? Аввалига у бу гапга ишонмади. Лекин, эртасига ишга келиб, энди боғ оралай бошлаган эди, бульдозер кириб келиб қолди. У бульдозерчини таниди.

— Хизмат биродар, — деди у.

— Хабаринг йўқми, — деди таниш йигит,— бизга буйруқ беришди, бугундан бошлаб боғни бузишга киришамиз.

Қудратхўжанинг жаҳли чиқиб кетди.

— Бу қанақаси бўлди, — деди у ғазаб билан, — энди «одам» қилаётган эдикку, бу боғни.

— Унисини билмайман, — деди бульдозерчи. — Биз буйруқни бажаришимиз керак, холос.

— Йўқ, тегмайсан, — деди у бульдозерчининг йўлини тўсиб, — буйруқ-муйруғинг билан менинг ишим йўқ. Ҳозир идорага бораман, раҳбарлар билан ўзим гаплашаман.

У шундай деди-да, шаҳд билан йўлга тушди. Тўғри идорага кириб келди. Раҳбарлар йўқ, бухгалтерлар ўтиришарди. Қудратхўжа «уларга нега бундай қиляпсизлар», деб юзланди.

— Билмадик, — дейишди бухгалтерлар, — уч-тўрт кундан буён шундай гап бўляпти. Боғ эскириб қолди, ҳосил бермай қўйди. Биз ҳисоблаб чиқдик. Боғ хўжаликка ўтган даврда 40 минг сўм зиён келтирибди. Шунинг учун бузиб ташламоқчи бўлишгандир-да. Бу орада раис ҳам келиб қолди. Қудратхўжа хўжалик раҳбари билан яккама-якка гаплашди. Ниятини айтди.

— Боққа ўзим қарайман, ишонинг менга, қайта жон бағишлайман. Менга ижарага беринглар.

Раис Қудратхўжанинг бу жасоратига қойил қолди.

— Майли ука, ижарага берганимиз бўлсин, — деди, — лекин бир шарт бор. Ўша боғдан кўрилган зиённинг ўрнини қоплайсан.

— Мен розиман,— деди Қудратхўжа. — Ишқилиб боғни бузмасаларинг бўлгани.

Шундай қилиб хўжалик бошқарувининг қарори билан боғ Қудратхўжа Саидхўжаевга ижарга бериладиган бўлди. Ўша йили меҳнатни ташкил этишнинг бу усули энди расм бўлаётган эди. Қудратхўжа тумандаги биринчи ижарачи деҳқонлардан бўлиб рўйхатга олинди. Кўпчилик Қудратхўжанинг бу ишига қойил қолди. Айримлар эса, боши оғримаган йигит экан, бу боғни яшартиргунча, янгилагунча она сути оғзидан келади, — дейишди. Лекин у бундай гапларга парво қилмади. Ўзида бор пулини тўплади, етмаганини қариндош-уруғларидан қарз олиб тўлади.

Ўн йил муддатга ижарага олганлиги учун ҳужжат қилиб беришди. Ана энди у боғга ўзи эгалик қила бошлади. Ёнига уч-тўртта ўзи сингари боғбонларни олди, астойдил ишга киришди. Қуриган, синган шохларни бутади, қатор ораларини ҳайдаб, вақтида озиқлантиришга эътибор берди. Чунки бу боққа умуман қаралмай қўйилган, чакалакзор бўлиб қолган эди-да. Бир-иккита паррандачилик фермаларига бориб, раҳбарлари билан гаплашиб, машина-машина гўнг олиб келди. Шарбат қилиб оқизди. Хуллас, ишловга зўр берди. Олма боғига қайтадан жон кирди.

Ўғиллари Шуҳрат, Қаҳрамон, Шавкатлар вояга етиб қолишган эди.

— Отажон, — дейишди улар, — жўжабирдек жонмиз, сизга қийин бўлиб кетди. Агар рухсат берсангиз биз тижорат билан шуғуллансак. Пул топиб сизга қарашардик.

Бу гапдан Қудратхўжа ўйланиб қолди. Нега энди улар тижорат билан шуғулланиши керак. Ҳозирдан енгил-елпи пул топишга ўрганиб қолса, кейин нима бўлади.

— Йўқ, ўғилларим, — деди Қудратхўжа ака, — ҳимматларингиз учун раҳмат. Лекин енгил-елпи йўл билан топилган пулларингни менга кераги йўқ. Ахир бу боғни сенларга ишониб, сенларни ўйлаб ижарага олдим. Менинг ёнимда бўлинглар, менга қарашинглар. Боғбонликни ўрганинглар. Бир-икки йил қаттиқ меҳнат қилишга тўғри келади. Кейин хурсанд бўласизлар. Шундай боғ бўлсинки, ҳамманинг ҳаваси келади. Унинг ҳосилини териб тамом қилолмаймиз. Эл-юрт баҳра олади. Чўнтакларинг ҳам пул кўради. Бундай йўл билан топилган пулнинг баракаси, қадри бўлади.

Фарзандлар ота ўгитини қулоққа олишди.

— Сиз нима десангиз шу, отажон, — дейишди улар.

Шундай қилиб улар ҳам ота ёнига кириб боғбонлик қила бошладилар. Ҳар бир мевали дарахтга алоҳида меҳр билан қарадилар. Тагини юмшатдилар, хас-чўп, ўтдан тозаладилар. Дарахтларни оқладилар. Ҳашоратга қарши вақтида дори сепилди. Вақтида шакл берилди. Боғ яшнай бошлади. Учинчи йили чунонам ҳосил бердики, асти қўяверасиз. Қудратхўжа ҳам, фарзандлар ҳам хурсанд, кайфиятлари чоғ бўлди.

Улар ўзларича ўйлаб, ҳайрон бўлишарди: Ажабо, тўппа-тузук олма боғи бўлди-ку, шундай боғни йўқ қилишмоқчи бўлишди-я. Нега? Ҳосил бермай қўйган эмиш. Бекор гап, дарахтнинг ҳам жони бор. У ҳам одамга ўхшайди. Қизиқ, мева олайлик деб кўчат экамиз, сув қуямиз, парвона бўламиз. Уч-тўрт йил мўл, текис, ҳосил беради. Дарахт катталашгач эса, энди буёғига қарамасак ҳам бўлади, ўз овқатини ўзи топиб еяверади, деб ҳафсаласизлик қиламиз, бефарқ бўламиз. Бу нотўғри-да. Аслида тескариси бўлиши керак-ку. Олма дарахти катта бўлган сари ҳосили ҳам мўл бўлиши керак. Лекин бунинг учун жон койитиш, сувини, озиғини керагича етказиб бериш зарур.

Ана шунда истаганча ҳосил оласиз. Ахир қарини овқат асрайди, деган мақол бор-ку. Буни мевали дарахтга ҳам қиёс қилиш мумкин. Йўқ, биз ундай қилмаймиз, кейин ҳосил бермади, қариб қолди, деб нолиб юрамиз. Ер ориқ, ифлос бўлса, ҳашоратдан ҳимоя қилмасангиз, дарахт албатта қийналади-да. Ҳориб, чарчайди. Бир йил ҳосил берса, келгуси йилга кучи етмай қолади. Биз буни солкаш бўлиб қолди деб оқлаймиз. Агар ҳар йили дарахт тагини чопиб, зарур миқдорда озуқа бериб турсак ҳар йили ҳосил қилиши аниқ.

— Қудратхўжа аканинг ҳам боғбонликда ўз услуби бор, — деб гапга аралашди Тошкент агрофирмасининг бош ҳосилоти Маҳамаджон Эшонов. — Сиз айни пишиқчилик пайтида олмазорга бир келинг-а, ҳосилини кўтаролмаган олма шохлари обкаш бўлиб эгилиб туради. Лекин бирон ерда тиргович қўйилганини кўрмайсиз. Синмайди. Қизиғи шундаки, олмалар териб олингач, шохлар асли ҳолига қайтиб, тиккайиб олади. Хўш, бунга қандай қилиб эришасиз?

— Олмага шакл бериш пайтида, — дейди боғбон, — новдаларни ҳаддан ташқари қирқиб, кичрайтириб юбормайман. Чунки ҳосил бериладиган қисми кесиб ташланмаслиги керак-да. Шу туфайли новдалар бақувват бўлиб ўсади, ҳосилини кўтаришга кучи етади.

... Мен шу йил апрель ойи бошларида Қудратхўжа аканинг олмазорида бўлганимда ажаблангандим. Яхши шакл бермабдилар-ку, бутамабдилар-ку, деб ўйлагандим. Қудратхўжа аканинг бу гапидан «сир»ни билиб олдим. Яна бир нарсага эътибор бердим. Бир чеккага олма дарахтларининг тўнкалари қалаштириб ташланган эди.

— Кимки сумалак қилса ўтини биздан, — деб ҳазиллашди ўшанда Қудратхўжа ака. — Қанча керак бўлса, олиб кетаверишсин.

— Қуриб қолган олма дарахтларини олиб ташладингизми?

— Йўқ, деди боғбон, — ҳосил бериб турган бўлса ҳам ҳар икки қатор ўртасидаги бир қатор олмаларни қўпориб ташладик. Шундай қилиб, илгари олма дарахтлари 4,5х4,5 метр схемасида бўлса, энди 8х4 бўлиб қолди. Биз обдон ўйладик. Кучли бўлиб ўсадиган олма дарахтларининг қатор оралари шундай бўлгани маъқул. Ҳайдаш, озиқлантириш, ишлов бериш, қолаверса, ҳосилни йиғиб-териб олиш осон бўлади. Ҳаводан, қуёшдан яхши баҳра олади. Касалликка чалинмайди. Бир тупдан ўша икки тупдан ортиқ ҳосил олаверамиз.

— Экиш схемасига ҳам янгилик киритибсиз-да

— Ҳа, энди бу ҳам бир тажриба-да, — дейди боғбон камтарлик билан. — Ким билади, дейсиз, яна кўрамиз. Бригадиримиз Ҳоким аканинг ташаббуси ва раисимиз ёрдами билан янгидан 10 гектар олмазор боғ ташкил этдик. 8х6 схемаси билан экдик.

Мен боя дала айланиб, бу янги олма боғига ҳам кўзим тушган эди. Тўғриси, ўшанда ҳайрон бўлиб қолдим. Гўёки, ҳар ер — ҳар ерга бир-икки қаричлик олма новдалари суқиб қўйилгандек эди. Нега бунча нимжон ,жонсиз кўчатлар экилмаса?! Бу мулоҳазани айтган эдим Қудратхўжа ака кулди:

— Эрта баҳорда бир танишим ўз уйида кўчат етиштириб сотадиган хонадонга олиб борди мени, — деди у. — Хонадон соҳиби бизни хушнудлик билан кутиб олди. У бизга бир чеккага саралаб қўйилган кўчатларни кўрсатди. Бу кўчатлар дуркун, анча йўғонлашиб қолган эди. Лекин мен уларни олмайман, дедим. Шу кўчатларнинг ёнгинасида нимжон, ҳали ёш кўчатлар турарди. Уларга разм солсам илдизлари яхши. Мен мана шу кўчатларни оламан, дедим хонадон эгасига.

— Сиз ҳақиқий боғбон экансиз-ку, — деди у кулиб. Лекин ортиқча гапирмади. Биз савдолашиб гапни бир жойга қўйдик ва кўчатларни машинага ортдик.

— Айримлар, — дейди Қудратхўжа ака, — кўчат танлаганда танаси йўғон, кўримли кўчатларни олмоқчи бўлишади. Аслида ундай эмас-да. Кўчат қилтириқ бўлса ҳам яхши илдиз отган бўлсин. Бундай кўчатни эксангиз, тез авж олади. Бир-икки йилда ўша йўғон кўчатларга етиб олиб, ҳатто улардан ҳам ўзиб кетади.

Олма боғига туташ, қўшни хўжаликка қарашли 4 гектар нокзор бор эди. Ҳар гал ўтганда бу нокзорларга қараб Қудратхўжа ачиниб кетарди. Қуришиб, буришиб ётади. Ҳосил тугади-ю, тўкилиб-сочилиб кетади. Яхши пишиб етилмайди. У мутасаддилар билан гаплашиб, ана шу нокзорни ҳам ўз тасарруфига олди. Эринмай «касал»ини даволади. Ҳозир нокзорни кўрсангиз ҳавасингиз келади.

— Ҳар гектар ердан қанчадан олма ҳосили олиш мумкин?

— Нима десам экан, боғбон ўйланиб қолди, — агар қаловини ўрнига қўйсангиз 20-25 тоннагача олиш мумкин. Эҳтимол, бу гапимни эшитиб жуда ошириб юборди-ку, дейишлари мумкин. Ҳа, майли, ошириб юборган ҳам бўлақолай. Лекин мен сизга айтсам, мана шу бизга тегишли ҳосилга кирган 7 гектар олма боғдан бемалол 15-16 тоннадан ҳосил олса бўлади. Бу йил шуни мўлжаллаб турибмиз. Бундан ташқари 1,5 гектар узумзордан ҳам мўл ҳосил оламиз.

Қудратхўжа ака ҳақ гапни айтаётган эди. У ўзи истамаган ҳолда айрим боғбонларни танқид қилаётган эди. Ахир, тўғри-да! Шу туманнинг ўзида ҳам, вилоятда ҳам катта-катта боғлар борки, уларнинг ҳар гектаридан нари борса уч тоннадан ҳосил олинади. Эшовидан тушови қимматга тушади. Нега? Чунки боғзорлар ҳосил қилганда унинг атрофида ўралашиб юрадиганлар кўп бўлади-ю, бироқ ҳосил йиғиштириб олингач, боғни умуман эсдан чиқариб юборишади. Деярли янги мавсумгача унга қиё қарамайдилар ҳам. Шундай бўлгач, қандай қилиб юқори ҳосил олиш ҳақида гап бўлиши мумкин?! Ахир бу инсофдан эмас-ку? Лоақал ҳар гектаридан 8-10 тонна ҳосил олинса борми, ҳатто шунинг ҳисобига ялпи ҳосилни кўпайтириш, ҳосилдорликни кескин ошириш мумкин-ку! Лекин бунинг учун олма боғларини ҳам тезроқ ўз эгаларига, Қудратхўжа сингари миришкорлар қўлига топшириш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш лозим.

**Н. РИХСИЕВ,**
**Тошкент туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги.**



● **Суратда: Қудратхўжа ака Саидхўжаев ўғиллари Шавкат, Шуҳрат, Қаҳрамонлар билан.**

**А. АБАЛЯН олган сурат.**

# ЛОҚАЙДЛИК ҲАМЁНГА ҲАМ ЗАРАР

*Табиат ва инсон*

ТАБИАТНИ муҳофаза қилиш, уни асраб-авайлаш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир. Лекин, шунга қарамай бу муҳим ишга лоқайдлик билан муносабатда бўлаётган, табиий ресурслардан хўжасизларча фойдаланишга кўникиб қолган кишиларнинг, айниқса, корхона-ташкилотлар раҳбарлари ўртасида борлиги кишини таажжубга солади.

Фикримизнинг далили учун туманимиздан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. «Наврўз» жамоа хўжалиги янги ташкил этилганига қарамай анча самарали ишламоқда. Хўжаликда сут-товар фермаси, узумни қайта ишлаш цехи, машина-трактор саройи, қатор хўжалик бинолари, ёғоч арралаш цехи фойдаланишга топширилди. Албатта, бу объектлар хўжалик учун сув билан ҳаводек керак. Унинг учун раҳбарларни фақат табриклаш мумкин.

Лекин, масаланинг иккинчи томони ҳам бор. У ҳам бўлса ҳозирги даврда ҳар бир бино, унинг катта ёки кичиклигидан қатъий назар, барпо этилишида атроф-муҳитга зарар келтирмаслиги ҳақида ҳам бафуржа ўйлаб кўриш лозим. Афсуски, кўп ҳолларда бу инобатга олинмаяпти. Бу ўтказилган теширишда маълум бўлди. Бундай камчиликлар илгари ҳам аниқланган ва мутасадди раҳбарлар бир неча марта огоҳлантирилган эди. Бироқ кўрсатилган камчиликларнинг аксарияти бажарилмасдан қоғозда қолиб кетаётганлиги ҳақли ташвиш туғдирмоқда. Жумладан, заҳарли кимёвий моддалар сақланадиган омборхонани кўчириш ҳақида кўрсатма берилган эди. Лекин бу топшириқ бажарилмади. Оқибатда уни ёпиб қўйишга мажбур бўлдик. Сут-товар фермасининг гўнгхонаси ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Қоидага мувофиқ унинг атрофига бетон деворлари олинган бўлиши лозим. Акс ҳолда ёғингарчилик вақтида гўнг сувга қўшилиб, теварак-атрофга тарқалиши, атроф-муҳитни ифлослантириши мумкин. Биз хўжалик раҳбарларига буни тушунтирдик. Лекин бу кўрсатма ҳам амалга оширилмади. Оқибатда у ҳамон табиатни ифлос қилувчи манба бўлиб қолмоқда.

Ёки узумни қайта ишлаш цехини олиб кўрайлик. Тартибга мувофиқ бундай ишлаб чиқариш объекти қурилиши олдидан унинг лойиҳаси экологик текширувдан ўтказилиши лозим. Хўжалик раҳбарлари эса бунга амал қилмаганлар. Ҳеч қандай текширувдан ўтказмасдан уни қураверганлар. Ҳатто битказилиб фойдаланишга ҳам туширилган. Умуман бундай цехнинг қурилишига ҳеч ким қарши эмас. У хўжалик жамоаси учун дурустгина даромад келтириши мумкин. Лекин бу бинони пала-партиш қураверин мумкин, деган гап эмас, албатта. Экологик текширувдан ўтказилмаганлиги учун бу цехнинг фаолияти вақтинча тўхтатиб қўйилди. Албатта, экологик текширувдан ўтказилганлиги ҳақидаги ҳужжат расмийлаштирилсагина уни ишга тушириш мумкин бўлади. Жамоа хўжалиги раҳбари ана шундай лоқайдлиги учун зарар кўрди. Унга 300 сўм миқдорида жарима тўлашга тўғри келди.

«Заркент» жамоа хўжалигида табиатни муҳофаза қилиш бўйича илгари кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этишга эришилди. Лекин, текшириш вақтида янги-янги камчиликлар аниқланди. Масалан, хўжаликнинг сут-товар фермасидан чиқадиган гўнг ва чиқиндилар йўл ёмонлиги баҳонаси билан гўнгхонага ташиб келтирилмаган. Шу ердан ўтадиган катта йўл ёқасига тўплайверганлар. Баҳор ва қиш ёғингарчилиги таъсирида бундай гўнг ва чиқиндилар ёмғир ва қор сувларига аралашиб, теварак-атрофга ёйилиб кетган. Бунга йўл қўйилганлиги учун хўжалик раҳбарига жарима солинди.

Бу хўжаликнинг ёнилғи-мойлаш материаллари омборхонаси замонавий қилиб қурилган. Ҳатто уни туманимиздаги бошқа хўжаликларга намуна қилиб кўрсатиш ҳам мумкин. Лекин омборхона мудирининг бефарқлиги оқибатида ишлатилган мой йиғиладиган сиғимлар атрофида бундай суюқликларнинг ер юзасига тўкилишига йўл қўйилган. Бу билан тупроқ таркиби бузилган. Бунга эса асло йўл қўйиб бўлмайди. Шунинг учун унинг айбдори бўлган омборхона мудири ҳамёни ҳам зарар кўрди.

Туманимиздаги 541-механизациялашган кўчма жамлама қатор биноларнинг қурилишини олиб бормоқда. Жамламада махсус бетон қориш бўлими бор. Бу ерда табиатни муҳофаза қилиш қоидаси қўпол равишда бузилмоқда. Шунинг учун унинг раҳбарига нисбатан ҳам жарима солинди.

Биз туманда табиатни муҳофаза қилиш ишлари кўламини кенгайтириш йўлидан бораверамиз. Унинг қоида ва талабларига амал қилмайдиган ҳар бир раҳбар ходимга нисбатан янада қаттиқроқ чоралар кўришдан қайтмаймиз. Мақсад табиатимиз мусаффо, атроф-муҳит соф бўлишига эришишдир. Бу эса табиати гўзал ва оромбахш бўлган Паркентга хос бўлиб қолиши лозим.

**Р. САРБОЕВ,**
**Паркент тумани табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси нозири.**

# ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

## ТИНЧ ИНҚИЛОБ ОДИМЛАРИ

Исроил мамлакатида юз бераётган тинч иқтисодий инқилоб ўн йил муқаддам 1985 йилда бошланган эди. Ўшанда Иқтисодий ўзгаришлар дастури деб ном олган ялпи тадбирларни мамлакатда жорий қилишга киришилганди. Бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда.

Хўш, ўн йил ичида нималарга эришилди?

1984 йилда Исроил ишсизлик ва инфляция гирдобида қолганди. Мамлакатнинг ялпи миллий маҳсулоти 12 миллиард долларни ташкил этарди. 1994 йилда эса бу кўрсаткич 75 миллиард доллардан ошиб кетди. Ишсизлик анча камайди ва 8 фоизнигина ташкил этди.

Ҳозирги вақтда ишчининг ўртача маоши ойига 1500 долларга тенгдир. Таққослаш учун айтадиган бўлсак, 1975 йилда исроиллик меҳнаткашнинг ойига олган даромади 350 долларга тенг эди. Ҳозирги вақтда 75 фоиз исроиллик оила ўз машинасига эга. Аҳолиси бор-йўғи 5,6 миллион кишини ташкил этадиган бу мамлакатда 1 миллион 100 мингдан ортиқ енгил машина бор.

Тинч Иқтисодий инқилобни таъминлаган нарса аввало кичик ва ўрта тадбиркорликнинг жадал ривожлантирилиши бўлди. Бу соҳага ҳозир давлат ҳар томонлама ёрдам кўрсатмоқда. Имтиёзли қарз бериш, солиқ сиёсатидаги енгилликлар тадбиркорлар кенг фаолият кўрсатишига имкон берди. Давлат корхоналарини хусусийлаштириш жараёни давом эттирилмоқда.

Исроилдаги юксалишни таъминлаган муҳим омил, албатта, унинг ўз қўшнилари бўлган араб мамлакатлари билан муносабатлари яхшиланиб бораётгани, тинчлик жараёни сақланиб қолинишига муваффақ бўлинганлигидадир. Иккинчидан собиқ СССРдан одамлар ёппасига кўчиб келганлиги ҳам мамлакат тараққиётига самарали таъсир кўрсатди. Чунки кейинги 5 йил ичида Исроилга 600 мингдан ортиқ одам келди. Яҳудийлар агентлигининг маълумотларига кўра 1995 йилда иммигрантлар сони 70 мингдан ошади. Кўчиб келганларнинг аксариятини малакали ходимлар ташкил этганлиги мамлакат меҳнат бозорини муносиб кадрлар билан тўлдириш имконини берди.

Қисқаси, Исроил ҳозирги вақтда жаҳондаги энг тараққий қилган мамлакатлардан бири ҳисобланади, иқтисодий ўсиш суръатлари жиҳатдан эса жадал ривожланаётган 5 та давлатдан бири бўлиб турибди.

**С.МУСАЕВ.**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

3 августда Афғонистоннинг Кандахор шаҳрида мухолифатдаги «Толибон» ҳаракати аъзолари томонидан мажбуран қўндирилган Россиянинг «Аэростан» авиакомпаниясига қарашли ИЛ-76 самолёти ҳамон тутқинда турибди. «Трансавиа» ва «Аэростан» авиакомпанияси вакиллари тутқундаги самолёт ва унинг 7 кишидан иборат экипажини озод этиш борасида музокара олиб бориш учун Қобул шаҳрига келди.

***

Туркия бош вазири Тансу Чиллернинг Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркманистонга беш кунлик сафари бошланди. Сафар давомида Марказий Осиё давлатлари билан Туркия ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш ҳамда Марказий Осиёни Европа билан боғловчи нефть ва газ қувури — «Евросиё магистрали»ни қуриш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилади. Кейинги пайда Туркия билан Марказий Осиё давлатлари ўртасида муносабатлар анча фаоллашди. Айни пайтда Туркиянинг Ўзбекистон, Туркманистон ва Қозоғистонга киритган сармояси 4 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди, дейилади шу ҳақдаги хабарда.

***

Диний ва этник низолар давом этаётган Карачи шаҳрида тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш учун Покистон ҳукуматига бир ярим йил вақт керак, деди Покистон бош вазири Беназир Бхутто Лохур шаҳрида ўтказилган матбуот анжуманида. Ҳукумат раҳбарининг таъкидлашича, Покистон ҳукумати Карачини қўпорувчилардан тозалаш учун бор имкониятини ишга солади.

***

Ҳиндистоннинг шимоли-шарқидаги Ассом вилоятида юз берган сув тошқини 100 минг кишилик аҳоли жойларига зарар етказди. Беш кундан буён давом этаётган сув тошқини натижасида мамлакат халқ хўжалигига сезиларли даражада зиён етди. Айни пайда сув тошқинини бартараф этиш учун кенг кўламда кураш олиб борилмоқда.

***

Қозоғистонга қарашли «МИ-8» вертолёти Қозоғистон-Хитой чегара ҳудудида фалокатга учради. Экипаж аъзолари тирик қолган. Бироқ, бир нафар ҳарбий хизматчи ҳалок бўлган. Қозоғистон Республикасининг чегараларни қўриқлаш бўйича давлат қўмитаси вакили РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси мухбирига шу ҳақда хабар берган.

***

ПЕКИН. Хитой тез орада яна бир ядро синовини ўтказиш тадбирини кўрмоқда. Пекиндаги хорижий ваколатхоналар ходимлари шундай фикр билдирдилар.

Шу кунларда Шинжонг-Уйгур мухтор туманидаги Лобнор ядровий синовлар майдонида тайёргарлик ишлари якунланган.

Маълумотларга қараганда, синовни шу ойнинг охирида ўтказиш режалаштирилган.

***

ДЕҲЛИ. Яқин кунларда Ҳиндистон Россиядан С-300У ҳарбий ҳаво мудофааси мажмуида кўрсатилган замонавий қурол-яроғларни сотиб олишни бошлайди, деди Ҳиндистон мудофаа маҳкамаси вакили РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси мухбири билан суҳбатда.

Ҳиндистон мудофаа вазирлиги котиби К. Намбиёрнинг келгуси ҳафтада Россияга бўладиган ташрифида ушбу масала атрофлича муҳокама қилинади.

***

ХАНОЙ. Мамлакат раҳбариятини танқид қилгани ва ҳукуматга қарши фаолияти учун 9 киши 4 йилдан 15 йилгача турли муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Маҳаллий суд уларни бузғунчиликда ҳамда Вьетнам миллий мустақиллиги ва хавфсизлигига хилоф иш тутганликда айблади.

**(ЎзА).**

